26.01.95

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1995 йил 18 январь. Чоршанба. № 4 (14258) ترکستان TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

Куннинг муҳим воқеаси

ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

17 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг ресурслар, материал-техник таъминот ва шартномалар, хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мажмуаларининг қўшма мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Журабеков бошқарди. Мажлис «Узулгуржибиржасавдо» уюшмасининг 1994 йилдаги фаолияти ва 1995 йилда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш истиқболларига бағишланди. Йиғилишда вазирликлар, қўмиталар, идора ва ташкилотлар, мазкур уюшманинг ҳудудий акционерлик компаниялари, улгуржи-савдо-воситачи фирмалари раҳбарлари қатнашди.

Мажлисда мулкшаклини ўзгартирган «Узулгуржибиржасавдо» уюшмасида ўтган йили иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга тадбиқ этиш борасида қатор ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Хусусан, республикада товар-хомашё биржаси, уюшманинг доимий ярмаркаси, трансэкспедиция агентлиги ва биржа банки фаолият кўрсата бошлади.

Бироқ «Узулгуржибиржасавдо» фаолиятида камчиликлар, муаммолар ҳам йўқ эмас. Ўтган йили уюшма томонидан ҳукуматлараро имзоланган битимларда кўзда тутилган маҳсулотларнинг баъзи турлари тўла етказиб берилмаган. Салмоқли дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мавжуд. «Узулгуржибиржасавдо» таркибидаги ҳиссадорлик жамиятларининг ўз акцияларини чиқариш юзасидан олиб бораётган ишларини ҳам қониқарли деб бўлмайди.

Шунингдек, республика товар-хомашё биржаси мамлакатимиздаги саноат корхоналарининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаяпти. «Узулгуржибиржасавдо» уюшмасининг вилоятлардаги бўлинмалари билан алоқа яхши йўлга қўйилмаган. Биржанинг жойларда минтақавий шоҳобчаларини ташкил этиш ишлари ҳам суст.

Мажлисда республикамиз бозорини маҳсулот билан тўлдириш кўп жиҳатдан уюшма фаолиятига боғлиқлиги, ана шу масъулиятни ҳис этган ҳолда ишлаш лозимлиги, муаммоларни вазирликлар, идора ва ташкилотлар билан баҳамжиҳат ҳал этиш зарурлиги қайд этилди. Уюшма раҳбарига камчиликларни қисқа фурсатда бартараф қилиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари В. Чжен нутқ сўзлади. Мажлисда Бош вазир ўринбосарлари Қ. Ҳаққулов ва М. Шарифхўжаев иштирок этди.

(ЎзА)



Янгиерликларни мазали нон билан таъминлашда шаҳар нон заводининг ёш ишчиси Ботир Раҳимовнинг хизматлари оз эмас.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) сурати.

Сенинг тенгдошларинг

БИЗНИНГ ТАЛЪАТ

Ўзбекистон халқ депутати, ёшларнинг оловқалб етакчиларидан бири Талъат Усмонов ҳақида ҳикоя

ВАКОЛАТ XXI АСРГА БОШЛАЙДИ

Биз улуғ ҳодисаларга шоҳид бўламиз, лекин унинг маҳобатини вақт ўтгачгина ҳис этамиз, мана, яқинда Узбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар бўлиб ўтди, унинг мамлакат тарихида илк дафъа қўппартиявийлик ва демократия асосида ўтганлиги жаҳон миқёсида эътироф этилди, лекин халқ ишончига сазовор бўлган депутатларимиз ваколати XXI асрга бошлаб боришини хаёлга ҳам келтирмадик.

Парламентимиз қабул қиладиган қонунлар, табиийки, мамлакатнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлайди. Ва Узбекистон янги бир шиддат ва шижоат, янги бир чирой билан XXI асрга кириб боради.

Шу эзгу ният йўлида риёзат чекаётган фидойилар қаторида элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ёшлар ҳам оз эмас!

Талъатжонни Самарқандда барча яхши кўради. Хусусан ёшлар. Гарчи у ёш бўлса-да ишнинг ҳам муомаланинг ҳам кўзини билади. Ёши улуғ кишиларнинг иззатини жойига қўйиб, тенгдошлари учун куйиб пишади. Бу хусусият у Самарқанд Архитектура ва қурилиш институтини битиргач, шу даргоҳ комсомол қўмитаси котиб муовини бўлиб ишлаб юрганидаёқ яққол кўзга ташланган эди.

Ҳозир кимда ким ишбилармон, фидойи бўлса, барча унинг қўлидан тутади. Талъатжон Усмонов ҳам институт комсомол қўмитасида узоқ ишламади. 1987 йил унга Темир йўл туманидаги ёшлар турар-жой мажмуи раислигини таклиф этишди. Талъат бу жуда масъулиятли вазифа эканлигини, қурилиш учун эҳтиёж талаб маҳсулотлар тақчиллашиб бораётганини яхши билса -да, иккиланиб ўтирмади. Ахир кимдир шу оғир вазифани ҳам бажариши керак-ку.

Талъат ишга шиддат билан киришди. Аввалига иш осон кўчмади, албатта. Лекин астасекин турар-жой мажмуида ҳаёт қайнай бошлади.

Ҳозир Сартепа масканидаги ана шу мажмудан ўтиб қолса, узининг ҳам юраги бир хил бўлиб кетади. Ота-боболаримиз бежиз фарзандларини қадамингда гуллар унсин деб дуо қилишмас экан-да.

Ҳалол меҳнат, фидойилик ва манглай тери инсонни юзага олиб чиқади. Сартепадаги мажму ва Талъат Усмоновнинг тиниб-тинчимаслиги, наинки тенгдошлари, балки кексалар орасида ҳам унинг ҳурматини оширди.

Мана,тўрт йилдирки, у Узбекистон ЁИ Самарқанд шаҳар қўмитасининг биринчи котиби. Қўмита шаҳарнинг 52 мингдан зиёд ёшларини уз атрофига жипслаштирган. Уларнинг нияти эзгу-истиқлол ишига узларининг улушларини қўшиш, шиорлари эса — элим деб, юртим деб ёниб яшаш!



Кечаю-кундуз тиним билмайдиган Талъат Усмонов ташкилот фаолиятини жонлантириб юборди. Бир пайт қарасангиз ишсиз қолган ёшларни ишга жойлаш билан банд, бир пайт қарасангиз фахрийлар ҳузурида... Аммо ҳозир ҳам ҳамшаҳаралари уни Талъат деб эмас, балки ёшлар турар-жой мажмуини қурган бола деб чақиришади.

Бундан бир-икки ой олдин Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга депутатликка номзодлар кўрсатилганда кўпчилик унинг номзодини маъқуллашди, «ёш, серғайрат, ҳақ-ҳуқуқни тушунади. Ҳозирги даврда мана шундай ҳалол ва ақлли йигитларимиз депутат бўлиши керак» дейишди.Шундай қилиб, унинг номзоди Самарқанд шаҳридаги 108-Беруний сайлов округидан рўйхатга олинди.

Тўғри, у билан бирга номзоди қўйилганлар ҳам юрт эҳтиромига сазовор кишилар эди. Эҳтимол шу боисдир сайловлар куни учала номзоднинг бирортаси ҳам сайловчилар кўпчилигининг овозини ололмади.

Сайлов тўғрисидаги қонуннинг 43-моддасига мувофиқ шу йилнинг 8 январь куни бу округда такрорий овоз бериш утказилди. Эҳтимол ёшлигини ҳурмат қилишгандир, эҳтимол меҳнатларига муносиб баҳодир бу — сайловчилар республика Ёшлар ташкилотининг энг фаол етакчиларидан бири Талъат Усмоновга ишонч билдиришди.

— Сайлов участкамиз ҳудудида замонавий, маданий-маиший мажмуаларга эҳтиёж сезиларли,— дейди Т. Усмонов. — Аммо мен уларни барпо этишни уз зиммамга олган эмасман. Менинг бурчим — халққа фойдаси тегадиган қонунлар қабул қилишда иштирок этишдир. Ёшларимизни улуғ аждодларимизга муносиб ишларга даъват этиш, Ватан хизматига камарбаста бўлишдир!..

Эзгу мақсадларингиз руёбга чиқсин Талъатжон.

ЁШ ДЕПУТАТ ҲАҚИДА ФИКР

Б. БУРОНОВ — ХДП Самарқанд вилоят Кенгашининг II котиби:

— Талъатнинг номи ҳавас қилгулик ишлар билан боғлиқ. Шунинг учун бўлса керак, унинг ёшлар ўртасида ҳурмат-эътибори салмоқли. Бугунги кунда Ёшлар ташкилотида фаолият кўрсатиб, уларга раҳбарлик қилиш, муаммоларини ҳал этиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу иш Талъатга ўхшаган ёшларга ярашади.

***

Дилором МАМЕДОВА — Самарқанд шаҳар Боғишамол туман халқ таълими бўлими бошлиғи ўринбосари:

— Талъатни кўп бора кузатганман — у «рақиб»ининг яхши, узидан устун томонини кўра билади. Унга ёқиш учун рақибини ёмонлаб гапирсангиз, «унинг яхши томонлари бор-ку», дея сизни уялтириб қўйиши мумкин. Ёшларга нисбатан эътибори кучли. Тенгдошларининг яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам бирга бўлади. Уларнинг келажаги ҳақида қайғура олади.

ДЕПУТАТ БИЛАН КИЧИК СУҲБАТ

— Нимани жуда-жуда яхши кўрасиз?

— Ҳақиқатни.

— Нимани жуда-жуда ёмон кўрасиз?

— Адолатсизликни. Ёлғон гапни.

...ВА ЯНА БИР САВОЛ:

— Оилангиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Ҳамманики каби — оилам бор. 3 фарзандим — Парвиза, Фаризшоҳ, Покиза. Турмуш ўртоғим — Матлубахон болалар боғчасида тарбиячи. Мен узим эса, онамнинг дуосини олиб юрган ва бу дуога ҳали ҳам туймаган фарзандман.

Гули ҲЕҲРА,
Ислом ҲАМРО,
Алижон АБДУРАҲМОНОВ,
«Туркистон» мухбирлари.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан

УШАЛАЁТГАН ОРЗУ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилиши қалбларимизни нурафшон этувчи тарихий воқеа бўлди, деб айтишимиз мумкин.

Биз — «Амир Темур юрган йўллар бўйлаб» халқаро илмий экспедиция аъзолари, ушбу қарорни неча йиллардан бўён орзиқиб кутиб юрган эдик. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бирон-бир даврда Амир Темурга нисбатан бундай адолат ва эътибор билан қаралганини билмаймиз. Айниқса, оқ ва қизил империячилар даврида бошимиз эгик, ғуруримиз сундирилган эди. Минг афсуски, Амир Темур ҳазратларини босқинчи, ҳатто саводсиз деган узимизнинг олимлар ҳам бўлди.

Мактабдаги тарих дарсидан тортиб, шу соҳага яқин бошқа жараёнларда ҳам табаррук инсоннинг номи қораланди. Лекин узоқ йиллар Амир Темурнинг узи аслида ким эди, деган савол ўртага ташланмади. Унинг бизгача етиб келган бой маданий меросидан кузни юмиб ўтдилар. Қолаверса, даврнинг узи ҳам ижтимоий адолат юзага чиқишига имкон бермас эди. Истиқлол шарофати билан асрий қадриятлар, табу қўйилган тамойил ва русумлар қайтди ва у миллат ҳаётининг қўркига айланаётир. Аллоҳга шукрки, кейинги йилларда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида улуг аждодларимизни эъзозлаш борасида савоб ишлар қилиш анъанага айланди. Жаҳонгир туғилган куннинг 660 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги оламшумул қарор ҳам буюк келажак яратиш йўлида қўйилган муҳим қадамларнинг биридир. Ушбу қарор ва умуман аждодларимизга кўрсатаётган чексиз ҳурмат учун ҳам Президентимизга раҳмат айтгимиз келади. Бу эзгу ишларни давом эттиришларида Аллоҳдан мадад сураб, ҳақларига дуо қиламиз.

Тарихий шахсларимизнинг қадрини тиклаш борасида шу дамгача талай қарорлар чиққан, лекин қарор моҳият эътибори билан ушбу фавқулотда қимматлидир. Унга биноан жаҳонгир таваллуд топган кунга қарийб икки йил ҳозирлик кўрилади ва Амир Темурнинг тарихий хизматларини жаҳон миқёсида намойиш этувчи ишлар амалга оширилади. Амир Темур шахси янгича нуқтаи назар — ҳурфикрлилик асосида тадқиқ этилади.

1996 йил «Амир Темур ва унинг дунё тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтади ва унда, табиийки, Овруپо ва айниқса, Русиянинг тарихда ўз мавқеини сақлаб қолиши ва кейинги тараққиётида Амир Темур ўтаган муайян хизматлар яна бир карра қайд этилади, соҳибқиронинг турли соҳа бўйича қарашлари, маърифий мероси тадқиқ қилинади. Амир Темур ва темурийлар номи билан боғлиқ ёдгорликлар таъмирланади, уларнинг муқаддас қадамжолари бўйлаб халқаро туризм йўлга қўйилади.

Қарорда Темур давлатининг юраги бўлган Самарқанд шаҳри ва Шаҳрисабзда ёдгорликлар мажмуи барпо этилиши ҳам кўзда тутилган. Шунингдек, «Темурийлар уйғониш даври» фани, маданияти, санъати, меъморчилиги юзасидан адабиётлар нашр этилиб, таржима қилинади.

Энг муҳими, Амир Темур ҳаёти билан боғлиқ серияли бадиий фильм яратиш ва биз қўпдан бери орзу қилиб юрган темурийлар даври тарихи музейини очиш ҳақида қимматли фикрлар кун тартибига қўйилганки, бундан бошимиз осмонга етди.

Агар Амир Темур номидаги мукофот ҳам таъсис этилса, Узбекистон ФА тарих институтига улуг бобомиз номи берилса, Франциядаги Амир Темур ассоциацияси билан ва уларнинг «Темурийлар тарихи» журнали билан алоқа ўрнатилса нур устига аъло нур бўлар эди.

Русия, Англия, Германия, Франция, Туркия ва бошқа хорижий мамлакатлар музей ва кутубхоналарида сақланаётган Амир Темур ва темурийлар даврига оид осори-атиқалар юртимизга олиб келинса, қандай яхши бўлар эди.

Шунингдек, турли идишлар, тижорат дўконлари, фирма ва спиртли ичимликларга жаҳонгирнинг номи ё расмини қўйиш қатъиян ман қилинса...

Ҳа, Амир Темур янгитдан кашф қилинди. Ўйлайдигизки, бутун дунё халқлари унинг муқаддас ва таббарук номини зўр ҳавас билан эсга оладилар. Самарқанд ва Шаҳрисабз сингари тарихий шаҳарларни яратишда бунёдкорлик хизматини бажарган, Тангри Таолонинг меҳри тушган бу зот узоқ даврларгача, токи бу ҳаёт бор экан, туркий халқларнинг ардоғида бўлиб қолади.

Сузимизни Президентимизнинг куни кеча халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашида айтган фикрлари билан якунласак: «... Эътиборингизни буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ушбу ҳикматларига қаратишни истар эдим. У киши «салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилиш лозим» деб айтган эканлар.

— кенгаш
— маслаҳату машварат
— қатъий қарор
— тадбиркорлик, ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик.

Бу тўрт омил, яъни — кенгаш, маслаҳату машварат, қатъият ва тадбиркорлик кейинчалик оқибатда надомат чекишдан сақлайди ва пушаймон бўлишнинг олдини олади, деб уқтиради соҳибқирон бобомиз».

Биз ҳамиша буюк бобомизнинг ўгитларига содиқ қоламиз ва унга муносиб набира бўламиз — ватанимизнинг чиройини очишга хизмат қиламиз.

Фахриддин АШРАФХЎЖАЕВ,
«Туркистон» газетаси қошидаги «Амир Темур юрган йўллар бўйлаб» халқаро илмий экспедиция раиси.
Муроджон МИРЗАЕВ,
Экспедиция илмий раҳбари, тарих фанлари номзоди.

Қарор ва ижро

ФУТБОЛ МУАММОЛАРИ — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Тошкентда Узбекистон Республикаси футбол федерациясининг пленуми бўлди. Мажлисга федерация ижроқўмининг аъзолари, манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари ва вилоят спорт қўмиталарининг раислари, футбол клубларининг раҳбарлари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг директорлари, етакчи спорт устозлари, футболчилар, спорт фахрийлари таклиф қилинди.

Республика Бош вазири, Футбол федерациясининг президенти А. Муталов федерациянинг ўтган мавсумдаги фаолияти якунлари ва 1995 йилдаги вазифалари ҳақида маъруза қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Узбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чоралари тўғрисида»ги қарори эълон қилингандан буён деярли икки йил вақт ўтгани пленумда таъкидланди. Бу ҳужжат аҳолини соғломлаштиришнинг ишончли воситаси бўлган спортнинг республикада энг оммавий турларидан бирини тубдан ривожлантириш йўлларини белгилаб берди. Қарор республикамизда спортнинг шу тури ривожланиши учун жон қўйдирадиган барча кишиларга асосий дастур бўлди. Утган мавсум Узбекистон футболи учун айниқса самарали бўлди. Федерациямиз футбол Федерациялари Халқаро уюшмаси (ФИФА) ва Осиё футбол Конфедерацияси (ОФК) аъзолигига қабул қилинди. Мустақил давлатимиз биринчи марта XII Осиё ўйинларида иштирок этиш учун мустақил командасини юборди. Командамиз энг нуфузли совринлар учун беллаша олишини кўрсатди — Узбекистон миллий терма командаси Хиросимадан чемпионлик медалларини олиб қайтди.

Осиё ўйинларидаги ғалаба спорт тарихининг бир қисми бўлиб қолди. Ҳозир олдимизда Узбекистон футболининг шонли анъаналарини мустаҳкамлаш вазифаси турибди. Оммавий футболга жиддий муносабатда бўлинмаса, педагоглар ва спорт устозлари ижодий ишламаса, техника базасини мустаҳкамлаш ҳақида тегишлича ғамхўрлик қилинмаса, бунга эришиб бўлмайди, деб таъкидланди учрашувда. Ҳозирги кунда 247 та ихтисослашган болалар-ўсмирлар спорт мактабларида, олимпиада ўринбосарлари билим юртларининг бўлимларида 50 мингга яқин болалар шу ажойиб ўйин асосларини ўрганмоқда. 1100 дан ортиқ педагог ва спорт устозлари уларга таълим бермоқда.

Афсуски, уларнинг самарадорлиги бир хил эмас: республика ўсмирлар терма командасидаги футболчиларнинг кўпчилиги Тошкентда тайёрланган. Маҳаллий ҳокимликлар, касаба уюшмаларининг ташкилотлари болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг эҳтиёжларига етарлича эътибор бермаётир. Узбекистон иктисодиёти бозор муносабатларига ўтаётган ҳозирги мураккаб даврда бундай эътибор айниқса зарур, деб таъкидланди пленумда.

Пленум иштирокчилари олий ва биринчи тоифа командалари ўртасида учинчи Узбекистон миллий чемпионати якунларини муҳокама қилдилар. Уч йилдан буён сурункасига республика чемпиони бўлган ва 1994 йилда Узбекистон Кубогини ҳам қўлга киритган Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилар жамоасида собиқадамлик билан ижодий иш қилинаётгани таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга муҳокама иштирокчилари ўтган мавсумда йўл қўйилган бир қанча нуқсонларни, ҳал этилмаган муаммоларни кўрсатиб ўтдилар. Томошабинлар стадионларга кам келаётгани, айрим футболчиларнинг қўпол ва номуносиб хулқи, ҳакамлик малакасининг пастлиги шулар жумласидандир. Федерация қўмиталарида, футбол жамоаларида бу муаммолар жиддий муҳокама қилиниши керак.

Пленумда Узбекистон Республикаси Футбол Федерацияси таркибига узгариш киритилди.

Пленум сўнгида XII Осиё спорт ўйинлари ғолиби — Узбекистон миллий футбол терма командаси футболчиларига мукофотлар, эсталик дипломлари, қимматбаҳо совғалар топширилди. Узбекистон Миллий ахборот агентлиги (УзА) таъсис этган махсус совринга терма команда дарвозабони Ю. Шейкин сазовор бўлди.

Пленум ишида Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов иштирок этдилар.

(ЎзА мухбири).

ОЛИЙ МАКТАБДА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ

Долзарб мавзуда суҳбат

Узбекистон Республикаси уз Қуролли Кучларини тузганидан кейин олий ўқув юртларининг ҳарбий кафедраларида талабаларнинг ҳарбий тайёргарлиги, шунингдек Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу муҳим иш ҳали такомилаштирилиши, янги шакл ва усуллар билан бойитилиши лозимлиги аён. Республика Олий ва махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи С. Ғуломиддинов билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Садриддин Заҳриддинович, ҳозирги пайтда вазирлик тизимидаги ўқув юртларида талабаларнинг ҳарбий тайёргарлиги ҳамда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш қай аҳволда?

— Тизимимизда ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш билан боғлиқ барча иш Узбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуни асосида ташкил этилган. Талабаларнинг ҳарбий мутахассисликларни тўғри танлашига кўмаклашиш ишлари эса, Вазирлар Маҳкамасининг «Узбекистон Республикаси Қуролли Кучлари чегара ва ички қўшинларида ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори талаблари асосида олиб борилмоқда.

Ҳозир вазирлигимиз ихтиёрида йигирмадан ортиқ олий ўқув юрти бор. Бу ўқув йилига мўлжалланган захирадаги зобитлар тайёрлаш дастурини бажариб қўйдик.

Талабаларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш юзасидан анчагина иш қилинди. Таҳсилни тугатаётган талабалар Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юрти ҳамда гарнизондаги ҳарбий қисмларнинг жанговар шуҳрат музейлари билан танишдилар.

Бошланғич ҳарбий тайёргарлик Узбекистон Мудофаа вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиққан дастур ва низом асосида олиб борилади.

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича ўрта махсус ўқув юртларидан келаётган ҳисоботлар таҳлили ва текширувлар натижаси ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш дастури асосан бажарилаётганидан далолат беради.

Ёшларни армия сафида хизмат қилишга тайёрлаш, уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш ҳамда жисмонан чиниқтириш билан боғлиқ. Вазирлигимиз бу борада бир қанча тадбирни амалга оширмоқда. Масалан, яқинда Тошкент давлат аграр университетида олий ўқув юртлари ректорлари ва ўрта махсус ўқув юртлари директорлари Кенгашлари раислари иштирокида семинар-кенгаш бўлди. кенгашда жисмоний тарбия ва спорт ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг, ёшларни ватан ҳимоясига тайёрлашнинг муҳим омили экани қайд этилди. Ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари бошланғич ҳарбий таълим бўйича ўқув-моддий базани такомиллаштириш масаласини ҳам муҳокама қилдилар.

— Сизнингча, вазирликнинг қайси олий ўқув юртида талабаларни армияда хизмат қилишга тайёрлаш ишлари яхши йўлга қўйилган?

— Бу борада Тошкент давлат университети, Тошкент давлат техника университети, шунингдек, Самарқанд давлат университетида қилинаётган ишларнинг ниҳоятда яхши эканини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Олий ўқув юртларининг ҳарбий кафедраларида бўлимдон, ўз ишига содиқ педагоглар ишлайди. Улар орасида истеъфога чиққан зобитлар ҳам анчагина. Педагогларнинг деярли барчаси олий маълумотга эга.

Ҳар янги ўқув йили бошида Мудофаа вазирлиги йўли билан ҳарбий кафедраларнинг янги раҳбарлари йиғилади ва уларга йўл-йўриқ кўрсатилади, туман мудофаа ишлари бўлимлари эса ҳар ойда ҳарбий тарбиячиларнинг бир кунлик йиғилишини ўтказиб туради.

— Садриддин Заҳриддинович, маълумки, яқинда Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Муддатли ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Вазирликда ана шу қарорни бажариш юзасидан қандай тадбирлар кўрилмоқда?

— Энг аввало шуни айтишим керакки, Вазирлар Маҳкамасининг бу қарори ниҳоятда ўз вақтида қабул қилинган қарор бўлди. Қарорнинг асосий моҳияти шундан иборатки, кўзда тутилган имтиёзлар ёшларнинг ҳарбий хизматга муносабатини узгартирибгина қолмай, мустақил Узбекистонимизнинг истиқлоли, ҳудудий яхлитлиги ҳамда халқимизнинг тинч меҳнатини қўриқлаб турган армиямизда ҳалоллик билан, виждонан хизмат қилишни рағбатлантирувчи омил бўлиб ҳам хизмат қилади.

ВазирларМаҳкамасининг мазкур қарорига биноан муддатли хизматини виждонан ўтаган, ҳарбий қисм раҳбарлигидан тавсияномага эга бўлган ёшларга олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилишда маълум имтиёзлар берилади. Мисол учун, уларнинг тест-синовларида йиққан бали устига йиғилиши лозим бўлган энг юқори балнинг 10 фоизи қўшиб берилади. Умуман олганда, ҳарбий хизматни виждонан ўтаб қайтган ёшларнинг умумий баҳосига яна 30-40 балл қўшилади.

Тест- синовининг узига хос хусусиятларидан бири шундаки, айрим пайтларда имтиҳон топширган йигит ёки қизнинг талаба бўлиши учун бир, ҳатто 0,1 балл етмай қолиши мумкин. Ана шундай пайтларда ҳарбий хизматни намунали тарзда утаб келган йигитларга қўшиб бериладиган 30-40 баллнинг аҳамияти ўз-ўзидан аён, албатта.

— Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш борасида олий ўқув юртлари олдида қандай муаммолар турибди ва улар қандай ҳал этилмоқда?

— Энг муҳим муаммолардан бири — ўқув-моддий базамизнинг замонавий талабларга мос эмаслигидир. Бугунги кунда атиги 61 фоиз ўқув юрти бошланғич ҳарбий тайёргарлик учун зарур барча нарсага эга, холос. Ўқитувчилар етишмаслиги гоҳида машғулотлар сифатига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги вазиятни ҳисобга олган ҳолда, Мудофаа вазирлиги билан биргаликда бу масалани ҳал этмоқчимиз.

Пайти келиб, ёшларнинг ҳарбий тайёргарлиги билан боғлиқ барча муаммолар ҳал бўлишига ишончим комил.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

1. КАТТА ТЕГИРМОННИНГ КАТТА ИШЛАРИ

- ҚОПСИЗ ТАШИШ УСУЛИ
- 15 ЁШИДАН ШУ ЕРДА
- 48 ХОНАДОНЛИ УЙ

Ватанимиз пойтахтида 2 миллион 300 минг киши яшайди. Яна қанча меҳмонлар келиб кетади. Уларни нон билан таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Ташвишлар, югур-югурлар майли-ку, агар бирор соат нон дўконларига нон ўз вақтида келмаса бу соҳани билмайдиганлар дарров нонвойлардан нолишади. Ахир ерни ҳайдаб, текислаб дон сепиш, ғаллани парваришлаш, далани қўриқлаш, ниҳоят ўриб-йиғиб донини донга, сомонини сомонга айириш қаёқда-ю, тайёр донни олиб келиб тегирмонга солиш қаёқда. Дон эливаторга тушгунча ҳам неча ўнлаб чиғириқлардан ўтади. Бу соҳада минглаб кишилар ишлайди.

Келинг, бизни ана шу энг азиз неъмат билан таъминлаётган катта-катта давлат корхоналари, давлат нон ишлаб чиқариш корхоналари ва иссиққина нон харид қиладиган дўконларимиз ҳаётидан уч туркум мақоламизни давлат тегирмонлари ҳақидаги муқаддимасини эътиборингизга ҳавола қилсак.

«Машинасозлар» метро бекатидан шундоқ ташқарига чиққанда ўнг томонда дўконлар бор. Тўғрисида эса гўзал мамлакатимиз байроғининг тасвири туширилган «Давлат эливатори» сўзлари ёзилган баланд-баланд иморатларга кўзингиз тушади. Тухумнусха прицепли «ун» сўзлари ёзилган «Зил» ва «Газ» автомашиналарининг ҳам қатор-қатор турганлигини илғайсиз. Лекин нега турганлигига аҳамият бермайсиз. Ҳаммамиз ҳам ўз ишимиз билан машғулликка ўрганганмиз, шунинг учун теварак-атрофга кўпда ҳам эътибор қилавермаймиз. Энди метронинг чиқиш йўлагидаги чап томондан юрсангиз пойтахтимизнинг йирик ун тегирмонларидан бири 2-дон маҳсулотлари корхонаси жойлашган. Бу корхона иккита йирик саноат бирлашмасининг ўртасида, яъни шарқ томонда Чкалов номли авиасозлар ишлаб чиқариш бирлашмаси, ғарбда «Тошқишхўжмаш» («Ташсельмаш») корхоналари бор. Гилам сотсанг қўшнингга сот, ярмида ўзинг ўтирасан, дейди халқимиз. Иқтисодий қийинчиликлар рўй бераётган бугунги кунда авиасозлар бу корхонага кўплаб эҳтиёт қисмлари, буғдой тозалаш ускуналари ва бошқа зарур техник мосламаларни тайёрлаб бермоқда. Шунингдек, «Чирчиққишхўжмаш», «Ўзқишхўжмаш», «Ўзпахтамаш» корхоналари ҳам баҳоли қудрат кўмакчи.





... Дарвозани қўриқлаётганлар жиддий, ҳарбийлар... Ҳар бир машина ва одам кузатувда. Рухсат билан корхона раҳбари Саид Мусаевич Алиев ҳузурига кирдик. Эшикдан чап тарафда корхонанинг харитаси илинган. Саид ака бизни мамнун қаршилади. Салом-аликдан сўнг, биринчи саволимиз ўтган мустақилликдан сўнг нима янгиликлар рўй берганлиги ҳақида бўлди.

— Халқнинг дастурхони тўжиҳатдан қулай. Биринчидан, ишчи кучи кўп талаб қилинмайди, қопни сотиб олиш, алмашлаб келиш, тикиш, қайта таъмирлаш, хуллас бир ҳовуч муаммо йўқолади, маблағ тежалади. Омухта ем 100 фоиз қопсиз ташиляпти. Тез, соз, ихчам, уволсиз ташиш усули аллақачон жаҳоннинг бошқа давлатларида кенг қўлланилади. Чунки, бу уннинг сифатини ҳам меъёрида сақлайди. Афзалликлари кўп.

— Айтинг-чи, корхонадаги техникалар ҳам ана шу замон талабига жавоб берадими?

— Албатта, ўтган 1992-1993 йилларда олма пиш, оғзимга туш деб турганимиз йўқ. Масалан, мана бу ручкани мен у ёққа олиб қўймасам, ким олиб қўяди. Муаммоларни ўзимиз ҳал қилишимиз керак. Деразанинг олдига бориб корхона ҳовлисига қараганим билан иш битмайди. Мен шу корхонада 15 ёшимдан буён меҳнат қиламан, ипидан-игнасигача биламан. Шунинг учун, келажакда биров ўрнимизга келганда, «раҳмат, ана шу кишиларнинг отасига минг раҳмат» дейдиган шароит яратаяпмиз. Ускуналарни тўлиқ янгиладик. Омухта ем тармоғига компьютер ўрнатдик. Нимаинки ўрнатиб, янгилаган бўлсак, келгусида уни олиш ёки кўчириш имкониятларини, тузатиш шароитларини ҳисобга олдик. Ўтган йилда ҳам кўп жойларни таъмирладик.

Хирмон тўлиб тўкилди дон

— Дон билан таъминлаш қандай?

— Таъминлаш, тақсимлаш ишларини асосан республика дон маҳсулотлари давлат ҳиссадорлик корпорацияси томонидан бажарилади. Корпорация раисининг биринчи муовини Шукрулла Муҳаммаджоновнинг тиниб-тинчимаслиги, ҳар томонлама илмли, меҳрибонлигини, корхонамизга жуда кўп ёрдами тегаётганлигини айтиб ўтишим керак. Буғдой асосийси ўзимизники, ҳамда қўшни Қозоғистондан ҳам келтирилади. Президентимизнинг буғдойга алоҳида эътибор қаратганликлари боис ўтган йил кузда 1 миллион гектар суғориладиган ва 500 гектар лалми ерга дон сепилди. Демак, бу йил ёздан бошлаб четдан ғалла сотиб олиш кескин камаяди, бориб-бориб йўқолади, балки биз сота бошлармиз. Насиб қилса ўша кунлар яқин.

— Корхона ишчи-хизматчилари ҳаёти ҳам муштарийларни қизиқтиради.

— Дарҳақиқат, корхонада 480 киши ишлайди. 700-800 сўмдан маош, мукофот, ёрдам пули олишади. Ишчиларимизга тўлиқ шароит яратилган; баланд-баланд, кенг-кенг иморатлар ичида совқотиб, ҳафсаласиз ишламасин деймиз. Усти қалин, қорни тўқ, уйидан хотиржам бўлсин. Шунинг учун эрта тонгда келиб, ишчиларга бақириқ-чақириқ ўрнига саломлашамиз. Ҳол-аҳвол сўраймиз, камчилик йўқми, деймиз. Тамом, ана энди уларнинг кўнгли кўтарилиб ишлашини кўринг. Ўтган йил кузда мева-сабзавотларнинг арзон сотувини ташкил қилдик. Бундан ташқари 48 ходимимиз уй тўйларини ўтказди. Яна 48 хонадонли уй барпо қилинаётир, ёзда битади, ёш оилалар шу хонадонларга кўчиб ўтади.

Бор-йўғи шу. Баъзан юзаки ўйлаб, улар ишини қадрламасакда, улар бизнинг дастурхонимиз тўкин бўлиши учун вазифаларини, бурчларини уддалашаяпти. Буғдой ҳақида қуйидагича мақол бор: «Саксон кунда — саноқда, тўқсон кунда — товоқда». Яъни, буғдой ерга сепилгандан сўнг саксон кун ўтгач, ўроққа келади. 10 кунда эса ўрилиб, янчилиб, тозаланиб, тегирмонда тортилади. Шу мақола билан биз унни тортдик ҳисоб. Кейинги туркумда нон тайёрлаймиз. Буюк шоир Сайёдийнинг байтларидан уннинг гарди тўкилур:

Бу сўзлар эрлардин қолғон масалдур.
Ҳар ишнинг аввали саъю жадалдур.

Тўлқин ЁРҚУЛОВ,
«Туркистон» мухбири.

***

Юзта ҳунарни чала билгандан, биттасини тўла билган яхши. Корхонада 43 йилдан буён меҳнат қилаётган Юрий Лазданов ана шундай изланувчан ишчи. У бутун корхонанинг фаолиятини назорат қилувчи бошқарув компьютери олдида жараённи кузатаётир. Мабодо, бирор ускунанинг «бетоблиги» сезилса қўнгироқ чалинади ва бу ҳақда Юрий ака мутахассисларга хабар беради. Владимир Панов ҳам тозалаш мосламаларида кузатувчи. Унинг 25 йиллик умри шу корхона билан боғлиқ. — Мамлакатимиз Президенти амалга ошираётган ислоҳотларнинг муваффақияти, биз каби оддий ишчи-мутахассисларни ижтимоий муҳофаза қилишга жуда катта эътибор берганлигидадир, — дейди у. Шаҳар аҳлининг дастурхонида жиззали, хуштаъм нонлар тортиқ қилувчи нонвойларга туни бўйи ун тайёрлаб чарчаган ишчилар эрта тонгда уйларига отланган пайтда, қаранг барча ишга отланса, улар навбатни топшириб... Ваҳоб Каримов шулардан бири. — Худога шукур, кун қизариб ботганда ишга келиб, эсон-омон тонг отганда кетяпмиз. Тинч, тотув, аҳил ишлашга нима етсин. Юртимизда осойишталик, энг муҳими шу, кунлар эса мана ўтаяпти, ўтаверади, — дейди у. Ҳа, доим, шундай оқ, оппоқ тонг отаверсин, қийинчиликлар ортда қолаверсин.

Қанотли хабарлар

МАКТАБДА МУЗЕЙ

НАРПАЙ туманининг Олтиўғил қишлоғидаги 33—урта мактабда музей очилди. Уни кекса тарих фани муаллими Мирзо Мелиқулов, ёш тарихчилар Дилбар Саъдинова ва Холмўмин Тошбоевлар очишди. Музейда мола, омоч, ҳалажи, чарх, паранжи, кўзалар, қора чироқлар каби қадимий асори-атиқалар ҳамда асримиз бошидаги тангаларгача ўрин олган. Ўқувчиларга манзур бўлаётган энг муҳим жиҳати шундаки, музей ашёлари қадим даврлардан шу кунларгача тартибланган ва расмлар билан безатилган. Расмларни мусаввир Эшназар Ражабов чизган.

ЭМАЛЛАНГАН СИМ

Андижонда йилига 2,5 минг тонна шундай сим тайёрловчи қўшма корхона иш бошлаганди. «Волкар» деб номланувчи ушбу корхона маҳсулотлари хорижликларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Улар «Волкар» билан шартнома имзолашмоқда. Демак, мамлакатимиз маҳсулотига харидор бор, ғазнамизга эса бойлик...

НАВБАТ МАРКЕТИНГГА

Замон талаби шу, агар шошилмасангиз қийин. Ғафур Ғулом номидаги Гулистон Давлат университети «Сен замонга боқ» нақлига амал қилиб, «Маркетинг ва бошқариш», «Бухгалтерлик ҳисоби ва аудиторлик» факультетларини очди. Малакали ўқитувчилар эса пойтахтимиздаги олий ўқув юртларидан таклиф қилинди. Бундан ташқари шу ерда хорижий тилларни пухта ўрганишга мўлжалланган «Тил ўрганиш маркази»га Англиядан ўқитувчилар келадиган бўлди. Ана сизга имконият.

ЗАВОД ИШГА ТУШДИ

Эллиққалъа туманидаги «Москва» жамоа хўжалигида йилига 3 миллион шартли банка сабзавот консерваси ишлаб чиқариладиган завод қуриб битказилиб ишга туширилди. Корхона дастлабки маҳсулотларини савдо расталари орқали эл дастурхонига тортиқ этяпти.

72 ХИЛ МАҲСУЛОТЛИ ИШХОНА

Жиззах трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасини бугунги кунда нафақат республикамизда, балки ташқарида ҳам яхши билишади. Ўтган йили бу ерга Украинадан 105 та тўқув дасттоҳи келтирилган эди. Бу эса ўз самарасини берди. Энди корхона тамғаси билан 72 хил маҳсулот ишлаб чиқариляпти.

«САЛАМАНДР» ТУФЛИЛАР ЎЗИМИЗДАН ЧИҚАДИ

Шартномага асосан шу қарорга келинди. Германиянинг «Саламандр» фирмаси, «Ўзенгилсаноат» уюшмаси ва «Фарғонапойабзал» ҳиссадорлик жамияти вакиллари очаётган қўшма корхона йилнинг ўрталарида ишга туширилиб, йилига ярим миллион жуфт пойафзал ишлаб чиқадиган бўлди.

(Ўз мухбиримиз).

Истиқлол қалдиргочлари

ЮРТ ТЎКИНЛИГИ УЧУН

- Ёғ мўл бўлади
- Эл-юрт қўллаяпти
- Олимкентда шундай йигит бор

Туман сессиясида Олимкент қўрғонида ёғ ишлаб чиқариш саноат корхонаси қурилиши ҳақида гап борганда залда бироз жонланиш сезилди. Бу ерга тўпланганлар йиғилишда раислик қилувчининг сўзларига жиддийроқ эътибор бера бошладилар.

Шу пайт минбарга ўттиз уч ёшлар чамасидаги сочи жингалак, хушбичим бир йигит чиқиб, ёғ ишлаб чиқариш саноат корхонаси қурилиши ҳақида сўзлай бошлади:

— Олимкент қўрғони оққўрғонликлар учун илгари катта саноат маркази бўлганлиги сир эмас, — деди у. — Аҳолининг ёғ, шелуха, кунжара, совун ва бошқа маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи қондириб келинган. Корхона 1965 йилларга келиб марказлаштириш оқибатида ёпилди. Ёғ корхонаси Янгийўлга кўчирилди. Энди жумҳуриятимиз мустақил бўлди. Корхонани қайта тиклаш имконияти туғилди.

Туман ҳокимияти, барча оққўрғонлик фаоллар бу масалани сессия кун тартибига қўйиб, тўғри қилишган. Шахсан, бу ташаббусга қўшиламан. Бу соҳада олган билим ва маҳоратимни ишга соламан, корхона қурилиши ишига баҳоли қудрат ўз ҳиссамни қўшаман, деб сизларни ишонтираман...

Сессия бўлаётган залнинг олди томонида ўтирганлар бир-бирлари билан секин-аста гаплашишиб, ўша йигитни кўрсатишарди.

— Мен бу йигитни яхши танийман, ўзим ўқитганман, — деди улардан бири. — Ёшлигидан ҳаракатчан, билимга чанқоқ эди. Ўзимизнинг Раҳмонқул аканинг кенжаси-да, оти Раҳимжон.

— Ҳа бўлди, танийман Умировлар денг.

— Худди шундай. Раҳимжон саноат корхонаси қурилишига ўз ҳиссасини қўшади. Ўзи ҳам техника фанлари номзоди деган унвонни ёғ заводлари қурилиши бўйича ёқлаган.

Сессия тугагач туман ҳокими хонасида мутахассислар йиғилишди. Улар ишлаб чиқариш корхонасини қуриш режаларини аниқроқ қилиб гаплашиб олишди. Ҳоким Раҳимжон Умировни хонадан кузатар экан, қўлини маҳкам сиқиб «Бу қурилишга ўзингиз бош бўласиз. Биргаликда барча муаммоларни ҳал қиламиз», деб қўшиб қўйди.

Ҳа, сиртдан қараганда корхонани қайта тиклаш осон иш эмас. Ҳамма технологик жараёнлар (чигитни чақиш, уни элаш, эзиш, пресслаш, оқлаш ва фильтрлаш) ягона ишлаб чиқариш марказига айлантирилиши керак. Замонавий асбоб-ускуналар келтириш муҳим шарт қилиб қўйилди. Собиқ иттифоқ даврида бундай асбоб-ускуналарни топиш мумкин эди. Энди-чи, иш мушкуллашган. Ҳозир бундай асбоб-ускуналарни топиш, сотиб олиш масалаларини ҳал этишга осонликча эришилмайди. Р. Умиров булар ҳақида кўп хаёлларга берилмади. У ўзи раҳбарлик қилаётган «Акмал» фирмаси орқали муттасади ташкилотларга хат билан чиқди. Унга туман ҳокимияти, Тошкент илмий-ишлаб чиқариш «Сигнал» заводи бирлашмаси (бош директори Р. А. Баширов), Олимкент пахта заводи яқиндан амалий ёрдам беришди. Орадан кўп вақт ўтмади. Корхона тиклана бошлади. Бу ерда чигитни сақлашдан тортиб то унинг ёғини ажратиб олишгача бўлган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнларини ўз ичига олган замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилди. Келгусида бу саноат корхонаси ишлаб чиқарадиган пахта ёғи, шелуха, кунжара, совун ва бошқа маҳсулотлар давлат стандарт талабларига жавоб беради. Ҳозирги кунгача корхонада белгиланган тадбирлар асосида 4 миллион 10 минг сўмлик ҳажмда иш бажарилди.

... Ниҳоят Раҳимжон Умировни ишхонасидан топдим. Кўриниб турибдики, у хайрли ишга қўл урган. Суҳбатдошимиз камтарлик билан менга «газетага ёзиш шартми?» деб эътироз билдирди.

Суҳбат давомида шу нарса ойдинлашдики, ёғ ишлаб чиқариш корхонаси ишга тушишига оз вақт қолибди. Тадбиркор — ишбилармон йигит Р. Умиров таъбири билан айтганда, корхонага газ киритилиши бошланган. Буларнинг ҳаммаси қилинаётган меҳнат самараси, албатта. Бу дегани дастурхон мўл-кўллиги учун қилинаётган ишлар. Хуллас, яқин кунларда корхона тўла қувват билан ишлаш имкониятига эга бўлади. Натижада бир кунда 60 тонна чигитни қайта ишланади. 9 тонна пахта ёғи, 20 тонна шелуха, 30 тонна кунжара, 2 тонна атрофида совун ишлаб чиқарилади...

Олимкентлик олимнинг орзу-истаклари бисёр. Бу ниятлар, албатта, амалга ошади. Бунга ишончимиз комил.

Мукаррама ТОЖИБОЕВА,
журналист.

МЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОН—ДИЛБАР ВАТАНИМ

«МАШРАБГА бир боқ жон лабга етди, шоҳу-жаҳоним ишқингда ўлдим» каби сатрлар билан халқимиз дилидан ўрин олган Машрабга ҳайкал қўйилди. Унинг таваллуд куни муносиб нишонланди. Муҳташам бинолар қурилди. Мадраса-ю масжидлар юрт қуркига-кўрк қўшди. Арғимчоқ ўчастган жажжи болакайларнинг дилларида шундай буюк бўлишликка ҳавас уйғонди. Ва улар бир қадар саккиз қирали юлдузлар тасвирланган иморатлардан, мадраса-ю, масжидлардан руҳландилар. Чор тарафига ўймакор нақш солинган устунлар ўрнатилган чойхона ҳам шу расмларга кўрк бергандек. Шаҳарларга ҳам чирой бағишлади. Зеро, бундай миллий услубдаги иморатлар жуда қўплаб бунёд қилинди.

«Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим,
Сенга тенгдош Помиру, оқсоч Теншон ўзбегим.»

— деганларидек, биз дақиқама-дақиқа тарихимиз зарварақларига ўчмас муҳрлар қўймоқдамиз. Худо хоҳласа бу саъй-харакатларимиз ёшлар, болалар, хуллас, авлодларимиз қалбида юксак ғурур туйғусини уйғатолса не ажаб.

Турғунбек МАҲКАМОВ
суратлари.

Сурхон томонларда

ЯНА БИР ЯНГИ КОРХОНА

Шерободда ҳам кишиларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан машғул. Қишлоққа саноатни олиб кириш мақсадида пахта тозалаш заводи қошида ип-йигирув фабрикаси қуриш учун ҳужжатлар тайёрлаб қўйилди.

— Янги корхона Туркия билан ҳамкорликда қурилади, — деди пахта тозалаш заводи директори Шерали Маматқулов. — Фабрика ишга тушгач, йилга 3,5-4 минг тонна толани қайта ишлаш имкониятига эга бўламиз.

Ҳозирги пайтда фабрика қурилиши учун зарур бўлган тайёргарлик ишлари ниҳоясига етди. Шу йили корхона фойдаланишга топширилади.

ДЕҲҚОН—»МЕРСЕДЕС»ДА ЮРАДИ

Ўрол Ҳайитмуродов ёш бўлишига қарамай анча пишиқ-пухта йигитлардан. У Жарқўрғон туманидаги «Бўстон» жамоа хўжалигида ишлайди. 1994 йилда унинг томорқасида тарвуз, пиёз ва бошқа маҳсулотлар анча мўл бўлди. Шу сабабли беларусликлар билан товар айирбошлаш ҳақида маслаҳатлашди ва етиштирган тарвузлари ҳисобига...

— У миллионер эмас, оддий деҳқон. Мустақиллик шарофати туфайли деҳқон ҳам «Мерседес» машинасининг эгаси бўлди, — дейди жарқўрғонлик Карим Қодиров.

ШВЕЙЦАРИЯЛИКЛАР ЁРДАМ ҚЎЛИНИ ЧЎЗИШДИ

Сурхондарё вилояти тайёрлов уюшмаси ходимлари хайрли ишга қўл урдилар. Натижада Қумқўрғонда Ўзбекистон - Швейцария ҳамкорлигида «Вольфеен-Шарқ-Интерпрайшие» қўшма корхонаси ишга тушди.

— Янги корхонада пластмасса идишлар тайёрланмоқда, — дейди уюшма раиси Холмурод Қиличев. — Идишлар вино, минерал сув ёки кир содаси сингари маҳсулотларни сақлашда ишлатилади. Шунингдек, корхонада турли қопқоқлар, полиэтилен плёнкаси ҳам ишлаб чиқарилаяпти. Ҳозир соатига 360 та пластмасса идиш тайёрлашга эришиляпти. Келгуси йили сменада 15 минг дона ана шундай идишлар ишлаб чиқариш режалаштирилди.

Жовли ХУШБОҚОВ,
«Туркистон» мухбири.

Асрлар давомида ақлу-заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрк сари интилди.

Ана шу миллий онг, ана шу миллий ғурур бугунги истиқлолимизнинг олтин пойдеворидир.

Ислом КАРИМОВ

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ



Нафосат — гўзаллик ҳақида тўлиб-тўлиб, жўшиб-жўшиб гапириш мумкин. Мана бу сувратлардаги каби нафис санъат намуналарини кўрганингизда эса, тилингизга бирор сўз келиши қийин. Унинг ҳар бир чизиқларию шаклларини ҳис қила олсангиз, тамом. Ҳайратга айланасиз. Бир лаҳзада ҳам ўтмиш, ҳам келажак, борлигу йўқликни тушунасиз. Бу лаҳза ўтгач худди биз каби турли сўзлар ила ҳайратингизни изҳор этасиз.

Сизнинг нигоҳингизда турган сувратлар музейларда сақланаётган асори-атиқаларимиздир.



Кулолчилик

ЭРТАКЛАРГА БАХШ ЭТИБ ҲАЁТ

Мустақил давлатимизнинг бўлажак фуқароларни маънавий баркамол этиб тарбиялашнинг муҳим шартларидан бири, таълим-тарбиянинг барча босқичларида ёшларга асрлар давомида шаклланган миллий ҳунармандчилик қадриятларига ҳавас туйғусини ўстиришдан иборатдир. Ўзбек халқининг тарихан шаклланган маданияти белгиларини ўзида чуқур акс эттирган миллий ҳунармандчилигимиз бугунги кунга келиб яна ўз мавқеини тикламоқда. Айниқса, бадиий кулолчилик кейинги 100-150 йиллар ичида тараққий этиб, унинг Риждувон, Тошкент, Шаҳрисабз, Хоразм ва Риштон каби марказлари шаклланди.

Ҳар бир ясалган буюм ўзи яратилган давр кишисининг маълум қиёфасини акс эттиради. Буюк мутафаккир Абулқосим Фирдавсий тафаккурнинг куч-қудратига юқори баҳо бериб, бу ҳақда шундай деган эди:

Занжирнинг охирги халқаси инсон,
У — калит, бандларини ечади осон.
Сарвдек тик бошин кўтармиш мағрур,
Борлиги — яхши сўз, ақлу тафаккур,
Ақл бирла идрок фақат унга ёр,
Бутун тилсиз олам фармонига зор.

Кулол буюм яратар экан, унинг олдида «онгли мақсад» туради.

У яратган буюмлардаги тасвирлар маълум маънони касб этади.

Айтишларича, агар буюмларда чойнак тасвири бўлса, меҳмонни оқдан кейин кўк чойга қондир, пичоқ ёки пичоқ қини тасвири-хонадонга ёвузлар яқинлашмасин, деган маънони билдиради. Омад ва бахт тимсоли сифатида қушлар тасвирланиб, табиатни, ўсимликлар ва жониворларни асранг, деган маънолар ифодаланган.

Бугун қадим бу санъат турини эъзозлаб келаётган қўли гул усталар кўп юртимизда. Риштонлик Набижон Қодиров кўп йиллардан буён шу касбни ардоқлаб келмоқда. У киши Риштон халқ ўйинчоқлари мактабига асос солганлардан.

Набижон ака ясаган мовий-кўкиш рангдаги ўйинчоқ бешикча, сандиқча ва турли ҳайвончалар, эртак қаҳрамонлари ҳайкалчаларини алоҳида таъкидлаш лозим. Булар болалар дунёқарашига мослиги билан уларни дарҳол ўзига жалб қилиб олади. Ўйинчоқларнинг қолипли ва қолипсиз ясаладиган турлари бўлади. Ясалган ўйинчоқлар аввал ҳавода қуритилади, яъни хом пишириб олинади. Хом пишган ўйинчоқ қизғиш тусга киради. Унга миллий безак, ранг бериб, сирлаб баланд оловда қайта пиширилади.

Набижон Қодиров етти укаси, уч ўғил бир қизига ҳам ўйинчоқ ясаш сир-асрорларини ўргатмоқда. «Улар аввало менинг ҳатти-ҳаракатимни қунт билан кузатиб, шу касбга ҳавас қўйишган. Кейин мен қўлимдан келганча ўргатдим. Мана бу «Туялар карвони», «Сувдаги урдаклар», эчки ва хўроз каби ўйинчоқларни 7 ёшли ўғлим Сайёджон ясаган», деди Набижон ака тўлқинланиб бизга.

Машҳурликнинг калити тинимсиз меҳнат ва изланишдадир. Бу ҳар иккала ҳислат ҳам биз ҳикоя қилаётган ҳунармандлар оиласи фаолиятининг ўзагини ташкил этади. Биз шунга асосланиб, яқин келажакда Риштон халқ ўйинчоқларининг довруғи барчамизни лол қилади, деб ишонч билан айта оламиз.

О. ЖАМОЛИДДИНОВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти аспиранти.

Кандакорлик

ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ИЖОД

Андижон вилояти ҳокимлиги биносининг муҳташам залида маҳаллий ҳунарманд ва ишбилармонлар тайёрлаган маҳсулотлар намуналари кўргазмаси ташкил этилди. Анжуман иштирокчилари ўзлари ёқтирган буюмлар ижодкорлари билан қизғин мулоқотга киришдилар. Айниқса Муҳаммадсодиқ Иминжон ўғли ижод намуналари анжумани иштирокчиларини беқиёс ҳайратга солди.

Оддий металларга жон ато этиб, миллий ҳунарни нозик санъат даражасигача олиб чиқишга Муҳаммадсодиқ осонликча эришган эмас, албатта. Дид билан ишлов берилган пичоқлар, нақшлар ўйилган дастшу ва офтобалар, ажойиб ёдгорлик шамширлари ясаш учун қанчадан-қанча уйқусиз тунларни, ташвишли кунларни бошдан кечиришга тўғри келганлиги яратганнинг ўзига аён.

Тун ярмидан оққан. Кўкда ҳилол олтин қайиқчадек сокин сузади. Оқ-оппоқ ойдинлик... Борлиқ ёғдуларга йўғрилган...

Муҳаммадсодиқ ёниқ илҳом — серфараҳ ижод оғушида. Унинг бутун фикри-зикри пўлат қаламга қаратилган. Ярқироқ мисга исломий нақшлар солади. Бу нақшлар хаёлотини олис-олис ўтмиш қаърига олиб кетган.

Кандакорлик ғоят қийин касб. Бу санъатда ҳам мусаввирлик, ҳам нақкошлик, ҳам ўймакорлик, ҳам ҳунармандчилик сирасрорлари, бутун заҳмат-машақатлари мужассамланган. Биргина нуқта мазмунни тамомила ўзгартириб юбориши мумкин. «Из»нинг арзимас қайрилиши эса... гўё мусиқа тараётган садаф сознинг тори авж пардада узилгандек бўлади. Муҳаммадсодиқ бунга йўл қўя олмайди. Чунки минг-минлаб мухлислар унга нигоҳини қадаб тургандек, ўзини унутиб «иш» қаърига сингади.

Ў эндигина 34 ёшни қаршилади. Дастлаб пичоқчи сифатида танилди. Шаҳрихонда довруғ таратган пичоқчилар кўп. Очиғи, уларнинг соясида қолиб кетиши мумкин эди. Меҳнати билан ўз ўрнини топа билди. Орадан кўп ўтмай, Шаҳрихонда санъатнинг нозик тури — кандакорликни қайтадан «уйғотган» йигит сифатида назарга тушди. Муҳаммадсодиқ изланиш борасида тиниб-тинчимайдиганлардан. Оддий мисол: пичоқни бир қолипга — андозага солиб тайёрлашни хушламайди. Устанинг қўлидан чиққан ҳар бир пичоқ ўзига хос бетакрор санъат асари бўлиши даркор, деб ҳисоблайди. Бу қатъият унга устози Раҳматхўжа Алихўжа ўғлидан «юққан». Тинимсиз изланиш Муҳаммадсодиққа катта омад келтирди. Устахонаси мухлислари билан гавжумлашди. 1992 йили сентябрь ойида Андижон шаҳрида бўлиб ўтган вилоят халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъати кўрик-танловида бир неча пичоқ ҳамда «Шамшири Бобурий» аталмиш ёдгорлик туҳфа билан иштирок этиб, юқори ўринлардан бирини эгаллади ва вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи ҳамда видеомагнитофон билан тақдирланди. Бу Муҳаммадсодиқнинг вилоят миқёсида уста сифатида кашф этилиши эди. Қўли гул уста ясаган пичоқлар, ёдгорлик сифатидаги шамширлар ва кандакорлик асафлари хорижлик меҳмонлар диққатини ҳам жалб этди. Саудия Арабистонидан ташриф буюрган Саид Абу Жаъид ва Ҳакимжон Марғилонийлар шаҳрихонлик уста йигитнинг бебаҳо санъат даражасига кўтарилган ишларини кўриб, ҳайратланишди. Муҳаммадсодиқ ижоди намуналари Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Швеция каби мамлакатларга етди. Муҳаммадсодиқ ўз касбининг устаси бўлиши билан бирга шу ҳунарнинг, юртининг тарихи билан ҳам жиддий шуғулланади. Бу борада ўз фикр ва қарашларига эга.

Айни кунда бу шаҳрихонлик ҳунарманд йигит кўплаб ёшларга халқимизнинг ноёб ҳунармандчилик санъатини қунт билан ўргатишга ҳаракат қиляпти. Ўзи ёш бўлсада бугунги кунда унинг йигирмадан зиёд шогирдлари бор. Укалари — Сиддиқжон, Қосимжон, Илҳомжон ва Бахтиёржонлар ҳам ажойиб ҳунарманд бўлиб етишяптилар. Беш ога-ининг ниятлари улкан, яъни Шаҳрихон ҳунармандчилигининг ноёб турларини ривожлантириб, бебаҳо санъат асарлари яратиб, халқ амалий санъатини бутун дунёга кўз-кўз қилишдир.

Маъруфжон ҒОЗИЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари

ПОП ТЕПАЛИКЛАРИДА ЮРГАН КИШИ

Ўзбекистон ФА академиги Я.Гуломов номли Археология институти Фарғона археологлар гуруҳи бошлиғи Боқижон Матбобоев билан мусоҳаба

— Боқижон, келинг, суҳбатни қадимги Поп шаҳрининг узоқ утмишидан бошласак, ҳозирда кўпчилик археолог олимларнинг назарига тушиб қолган, ҳатто чет эл соҳа мутахассисларини ҳам қизиқтираётган Мунчоқтепа, Баландтепадаги археологик ёдгорликлар илм-фан учун қандай янгиликлар берди?

— Поп тарихи тўғрисида суҳбатлашиш мен учун мароқли. Чунки 6-7 йилдан бери ўз изланишларим билан Попга боғланиб қолганман. Мунчоқтепа, Баландтепа, Қирқхужра ва унинг ён атрофидаги тепаликлардан чиққан, чиқаётган тарихий, маданий ёдгорликларга келсак, бу ҳақда республика марказий матбуот нашрларида ва илмий журналларда талай мақолалар эълон қилинди. 1988 йилги қазиш ишларимиз натижаси самарали бўлганди. Республикамиз олиму уламоларидан тортиб, чет эллик олимларгача Попнинг ноёб топилмаларини кўздан кечиришди. Қадимги Поп аҳолисининг, яъни эрамизнинг X-XII асрларидаги юксак маданияти, урф одати, санъатига қойил қолишяпти.

Мунчоқтепа сағаналари тайёр этнографик ер ости музейидир. Топилмалар аҳамияти тўғрисида узоқ ва кўп гапириш мумкин. Фурсатдан фойдаланиб, мен фақат уларнинг бир бўлаги-ипак матоларига тўхтаб ўтай. Маълумки, шу вақтгача фанда дастлабки ипак матолар Ўрта Осиёга хусусан, Фарғонага четдан келтирилган деган фикрлар мавжуд эди. Мунчоқтепадан чиққан ипак матолар текшириб кўрилганда четдан келтирилган ипак билан бир қаторда ўзимизнинг маҳаллий ипакдар ҳам борлиги аниқланди. Бу биринчидан, Фарғона водийси ипак ишлаб чиқаришнинг ўзига хос маркази бўлганлигини кўрсатади. Иккинчидан, аждодларимиз қадимдан хитойликлар билан бас бойлашадиган товарлар чиқарганларига ашёвий далилдир. Попдан бутун топилган иккита кийим-бош тикилиши ва сифати билан ҳозир ҳам ҳар қандай мода ишқибозларини ўзига тортади. Тажрибада бундай кўп ипак матолар, чарм қолдиқлари камдан-кам учрайди. Бундан ташқари юзлаб ёғоч, темир, жез (бронза) буюмлари, тақинчоқлар, саватчалар сақланиши ҳар қандай кишини ҳайратга солади.

Ўтган йили Россия киночиларининг буюртмаси билан Тожикистон ҳужжатли киночилари, Японияниинг ЭН-Эйч-Кей телекомпаниялари Мунчоқтепа ёдгорликлари тўғрисида махсус фильмлаар яратдилар.

— Поп шаҳрида археология музейи ишга тушибди. Эшитишимизча, Фарғона водийсида ягона, республикамизда эса иккинчидир.

— Бевосита археология билан боғлиқ музейлар ҳақиқатдан ҳам икки жойда мавжуд. Сурхандарё вилояти Шеробод тумани Жарқўтан ёдгорлигида ва Попда. Айни кунларда Баландтепа, Мунчоқтепа, Қирқхужра тепаликларидан чиққан топилмаларнинг кўпчилиги шу ерда сақланмоқда. Музей биноси замонавий архитектура асосида қурилган. Кенг, шинам иккита намойиш заллари миллий услубда нақш ва ганжкорлик билан безатилган. Ташқи кўриниши ҳам ўзига хос услубда. Аммо минг афсуски, музейда сақланаётган топилмаларни келганлар тўлиқ кўра олмайди. Бунинг асосий сабаби музейдаги витриналар маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда жиҳозланмаган. Замон талабларига жавоб берадиган жиҳозларни сотиб олиш ёки тайёрлашга эса катта маблағ керак. Бозор иқтисоди бевосита музей биносини жиҳозланишига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Яна бир сабаб музей тўлиқ ишчи ўринлари билан таъмин этилмаган. Ноёб топилмалар эса ўзига ўта «меҳрибонлик»ни талаб этади.

Боя айтганимдек, чет эллардан турли соҳа кишилари Поп археология музейига оқиб кела бошладилар. Шундай экан музейни мукаммал равишда жиҳозлашимиз, чет эл фуқароси олдида изза бўлиб қолишнинг олдини олишимиз зарур.

— Боқижон, сиз Фарғона водийсининг кўплаб жойларида илмий изланишлар олиб боргансиз. Жумладан Марҳамат туманидаги Мингтепа, Чуст туманидаги Буона мозори, Косонсой туманидаги Гурмирон, ҳатто қўшни Қирғизистон Республикасининг қадимги тепаликларида ҳам илмий қазишларда бевоста иштирок этгансиз. Ўз-ўзидан савол туғилади. Фарғона водийсидаги барча археологик топилмаларни ўз бағрига олиб ётган тепаликлар қай аҳволда сақланяпти? Биздан кейинги авлодга қандай обидалар қоляпти экан?

— Археологик ёдгорликларнинг тақдири биргина мени эмас, балки барча олимлардан кейинги вақтда энг кўп археологик ёдгорлик айнан водийда вайрон қилинган. Айниқса, пахта якка ҳокимлиги тепаликлар «вилти» бўлди, десам муболаға бўлмас. Водийда ер кам, аҳоли эса ўсиб бораяпти. Тўғри ер очиш, қурилиш қилиш керак, аммо шуни археологлар билан бамаслаҳат қилса бўлади-ку! Чунки арзимас кўринган тепаликдан фавқулодда ноёб топилмалар чиқиб қолиш эҳтимолдан ҳоли эмас. Бунга юқоридаги Поп сағаналари мисол бўла олади.

Қаранг, бир томондан ғишт заводи тракторлари кемириб ётган, иккинчи томондан Сирдарё сувлари аёвсиз ювиб ётган тепаликлар бизларга кам деганда 1500 йиллик ноёб топилмаларни сақлаб ётган экан-а. Бугунги кунда Поп археология музейи тепаликларни муҳофаза қилишни хокимият ёрдами билан ўз зиммасига олди. Келажакда бу тепалик ва улар яқинидаги ерлар тарих-археология музей-қўриқхонаси бўлиб фанга хизмат қилиши ва халқимизнинг севимли зиёратгоҳига айлантирилиши керак.

Ў. ҚЎЛДОШЕВ
суҳбатлашди.

Раҳмат сизга, уста!

ШАРҚ ЖИЛОСИНИНГ ДОВРУҒИ

Ўзбек халқ амалий санъати қадимий тарихга эга. Ота-боболаримиз нақкошлик, ўймакорлик, тўқувчилик, заргарлик, зардўзлик, гиламдўзлик, кулолчилик соҳасида катта маҳорат кўрсатганлар.

«Ўзбеклар, — деб ёзган эди рус буржуа элшуноси миссионер Н. П. Остроумов, — тенги йўқ гилкор уста нақкошлардир. Улар нозик ва гўзал нақш ишлайдилар, фақат ёғочга эмас, шунингдек мармар тошга, металлга нозик ва гўзал нақш солишлари, газламага ранг-баранг гуллар (геометрик шакллар) туширишларига қараб, уларнинг моҳирлигига қойил қоласан киши».

Ҳа, юртимизда қадим замонлардан буён аъло сифатли гўзал матолар, чўғдай ёниб турган гиламлар, олтин ва кумушдан лаъл, ёқут, феруз кўзли нақшинкор узук ва билак узуклар, камарлар, аёллар зеб-зийнатлари ва бошқа кўплаб буюмлар ишлаб чиқарилган.

Халқимиз ўз тарихида бадиий ва амалий санъатнинг ноёб асарларини яратганлар. Бу асарлар ҳозирга қадар ўзининг юксак бадиий услуби, гўзаллиги, шаклларининг нафислиги ҳунармандларнинг моҳир санъаткор бўлганлигидан гувоҳлик беради. Бу санъат намуналарини қадимий биноларнинг ички ва ташқи безакларида, ложувард кошинларда, бўртма ганч ўймаларида,тош ва ёғочларга ўйилган сержило нақшларда, металл ва чармга солинган турли нафис гулларда, гиламлар, шоҳи-атласлар, ранг-баранг гулли кашталарда кўриш мумкин. Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива, Қўқон, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарлар ҳунармандчиликнинг марказлари бўлган.

Энг диққатга сазовор бўлгани бу ўлка ҳунар аҳлининг нозик ва нафис буюмлар ясаб, Туркистон, Бутунроссия ва жаҳон кўргазмаларида намойиш этилганлигидир. 1873 йил Вена, 1878 йил Париж, 1888 йил Копенгаген, 1889 йил Париж, 1893 йил Чикаго, 1897 йил Париж ва Стокгольм, 1900 йил Париж, 1902 йил Глазго, 1906 йил Милан, 1907 йил Бардо, 1910 йил Париж, 1914 йил Берлин ва Лондон кўргазмаларида ўзбекистонлик ҳунармандлар тайёрлаган маҳсулотларга олган олтин, кумуш, бронза нишонлари, фахрий зарбоп тун, ёрлиқ ва дипломлари уларга берилган юксак баҳо эди.

Ўша вақтларда чиқиб турган газета, журналларда бу ҳақда кўп ёзишган.

Мирза Абдулла, Шокир Ниёзов, Ҳолмуҳамедов, Турсунбоев, Бердибоев, Уста Ҳаким ва Солиҳлар 1878, 1889 ва 1900 йилларда Париж кўргазмаларида қатнашганликлари ва муносиб тақдирланганликлари ҳақида «Туркестанские ведомости» газетасида хабарлар берилган. «Туркистон вилояти» газетасида (8 декабрь 1889 йил 48-сонида) самарқандлик ипак ва шойи тўқиш устаси Мирза Абдулла Бухорийнинг иккита кумуш нишон билан тақдирланганлиги ҳақида маълумот бор. «Туркестанские ведомости» газетасининг 1900 йил № 49-50 сонларида «Париж кўргазмасига» деган хабарда самарқандлик машҳур шойи ва духоба тўқиш устаси Шокиржон Ниёзов: «Мен иккита тўқув дастгоҳим ва бир неча ишчи олиб, Парижга кўргазмада кўпчилик олдида духоба ва шойи тўқиш ҳунаримни намоийиш қиламан» деган фикрини билдирган.

Ҳақиқатан ҳам 1900 йил Париж кўргазмасига Ўзбекистондан ипак ва ипак буюмлари, заргарлик, мисгарлик, хилма-хил тўқимачилик намуналари, гилам, шолча, миллий эркак-аёл кийимлари, кундалик хўжалик уй-рўзғор буюмлари, деҳқончиликда ишлатиладиган иш қуроллари юборилиб, намойиш қилинди. Айниқса, тошкентлик Раҳматулла Назаров, Юсуфжон Ибрагимжонов, Абдурасул Қориев, Исо Муҳаммедов, Иноғом Шоабдураимовларнинг турли хил матолари, гилам, полос, ипакдан тўқилган, тикилган буюмлар, ипак ва зар билан тикилган кашталар, олтин ва кумушдан жуда нозик ва ғўзал зеб-зийнат тақинчоқлар кўргазмада ҳамманинг эътиборини ўзига тортди ва юксак баҳоланди. Париж кўргазмасига Хива хонлигидан ҳунармандчиликнинг 16 соҳаси бўйича, Бухоро амирлигидан эса Бухоро аҳолисининг касби ҳунари, хўжалик ва турмушини тасвирловчи ҳунармандчилик ва элшуносликка доир 300 хил буюмлар юборилиб намойиш қилинганлиги архив ҳужжатларида қайд этилган. 1900 йили Санкт-Петербургда чоп этилган «Всемирная парижская выставка» 1900 г, в иллюстрациях и описаниях», деган китобнинг 161-162 бетларида қувончли шундай сўзлар ёзилган.

«Агар 1900 йилдаги бутун жаҳон Париж кўргазмасида рус рассоми К. А. Коровин (1861-1939 йил)нинг «Туркистон» номли панноси ўзининг улуғворлиги билан кўргазма ифтихори бўлган бўлса-да, аммо бизнинг юртдошимиз Мирза Барот Мулла Қосим ўғли томонидан Самарқанд ансамбли «Регистон» нусхаси ўзининг аниқлиги ва ғўзаллиги жиҳатидан ундан устун чиқди ва кўргазманинг олтин нишони билан тақдирланди». Шундай қилиб, жаҳон кўргазмасида самарқандлик оддий бир ҳунармандга берилган бу юксак баҳо, Мирза Барот Қосимовнинг ҳаттотлик ва рассомлик ҳунарида ўта моҳир санъаткор эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Ўзбекистонликлар 1893 йили биринчи бор Американинг кашф этилганлигининг 400 йиллиги билан Чикаго кўргазмасида, 1904 йили Американинг Миссури штатининг Олои шаҳридаги кўргазмада, 1907 йили Бардо ва Милан шаҳарларидаги кўргазмаларда, 1914 йилда Берлин ва Лондон халқаро кўргазмаларида хориждагиларни ўзбек халқининг қадимий санъати, касби ҳунари, ҳаёти ва турмуш тарзини кўрсатадиган ҳунар маҳсулотлари билан яқиндан таништирдилар. Кейинги йилларда ҳам ўзбекистонлик ҳунармандлар ўзларининг сифатли сержило ва харидорбоп маҳсулотларини жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида очилган кўргазмаларида намойиш этиб, уни шуҳратини янада оширмоқда. Жумладан, 1925 ва 1937 йиллари Парижнинг ўша анъанавий кўргазмасида ўзбекистонлик санъаткорлар олдингиларга нисбатан кўпроқ ва ранг-баранг маҳсулотлар билан фаол қатнашдилар. 1937 йилда Парждаги Халқаро Санъат ва техника кўргазмасида намойиш қилинган экспонатлар-бадиий каштачилик, нақкошлик ва ўймакорлик, зардўзлик, миллий кийимлар, кулолчилик, заргарлик буюмларининг такрорланмас намуналари, духоба, хонатлас кўпчиликнинг диққатини ўзига тортди ва юксак баҳоланди. Кўргазмада хонатлас ва беқасам усталарининг иш намуналари кумуш ва олтин нишонлар, Гран-при дипломи билан тақдирланди. Ёғоч устаси О. Қосимжонов ва Ота Полвонлар кумуш, тошкентлик кулол Т. Миралиев кумуш, таниқли читгарлар А. Абдуғаффоров ва И. Исмоиловларнинг иши олтин нишон билан тақдирланди. Шунингдек, Марғилондаги атлас ва беқасам тайёрлаш корхонаси, Самарқанддаги «Хотин-қизлар меҳнати» артели тайёрлаган кашта ва суzаналари олтин нишон, Шаҳрисабздаги бадиий тикувчилик артели ижод қилган «Ироқи» каштаси диплом билан тақдирланди.

1955 йилда Париж кўргазмасида ўзбек миллий дўппилари, кашта, сўзона, кулолчилик, заргарлик ва ёғоч ўймакорлиги, 1958 йили Лондонда Хива гиламлари, 1960 йилда Брно (Чехословакия), Лейпцикда (ГДР), Пловдив (Болгария), 1972 йили АҚШнинг Нью-Йорк, Вашингтон, Лос-Анжелос, Чикаго ва Бостон шаҳарларида ташкил этилган кўргазмаларда атлас, беқасам, кашта, гилам, кийимлар, заргарлик, мисгарлик ва зардўзлик буюмлари кенг намойиш этилди ва юқори баҳоланди. Шунингдек, Тошкент ва Самарқанд чинни заводларида ишлаб чиқилган буюмлар турли-туман нафис сервислар олтин, кумуш ва бронза нишонлари билан бир неча бор тақдирланган.

1983 йили Италиянинг Тоди шаҳрининг мэри Вальфиеро Будасси карнай-сурнай садолари остида Ўзбекистоннинг кўргазма лентасини кесгач, томошабинлар кўз унгида Ўзбекистон жилолари товланиб кетди. Фарғона, Жиззах ва Хоразмда тўқилган ранг-баранг гиламлар, шолчалар, ургутлик чеварлар Сабоҳат Раҳматуллаева ва Моҳира Облоқуловаларнинг сержило, кашталари, самарқандлик кулол Абдураҳим Мухторов, сайқал берган сопол буюмлар, хоразмлик Раимберди Матчонов ва Султон Отажонов ясаган кулолчилик буюмлари томошабинлар томонидан зўр қизиқиш билан кузатилди. «Биз ғоят истеъдодли кишилар ўлкасини кашф этдик. У — Ўзбекистон деб аталади». «Бу асарлар Италиянинг энг яхши музейларини безатди». «Раҳмат сизга, азиз ўзбекистонлик усталар. Қўлларингиз яратган ажойиб асарларингизни кўриб чексиз қувончларга тўлдик» деган шундай дастхатларни Италиянинг Тоди шаҳрида очилган Ўзбекистон безак-амалий санъати кўргазмасида бўлганлардан саккиз мингдан зиёд киши томошабинлар китобига ёзиб қолдирганлар. Шундай қилиб, жаҳон кўргазмаларида ўзбекистонлик ҳунармандлар тайёрлаган сифатли ва нафис буюмларнинг бундай юқори баҳоланиши қадимдан анъанага айланган ҳунар аҳли маҳоратининг юксак даражада ривожланганлигидан дарак беради.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ҳунармандлари ҳар йили Жаҳон кўргазмаларига ранг-баранг маҳсулотлари билан янада кўпроқ ва фаол қатнашиб келмоқдалар.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ,
санъатшунос.

Шарқ санъати, шарқона жилолар ҳамма вақт нафис ва жимжимадорлиги билан ажралиб турган. Бу қадим анъаналардан оқилона фойдаланаётганлиги боис Тошкент чинни заводининг қўлигул жамоаси тайёрлаётган турфа хил чинни маҳсулотлар пештахталарда туриб қолмай, пешма-пеш сотилмоқда.

А. РИЗҚИЕВ (ЎзА) сурати.

Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан

. Номинг ўчсин, уруш!
. Куёв жангдан қайтмади
. Отажон, изларингиз кўзимизга тутиё

МАКТУБЛАРДА ДАРД БОР, ҚУВОНЧ БОР

Фашист босқинчиларига қарши олиб борилган уруш бизнинг ғалабамиз билан якунланди. Аммо бу ғалабага осонликча эришилмади, албатта. Шиддатли ҳаёт-мамот жангларида собиқ СССРдаги турли миллат фарзандларидан минглаб кишилар ҳаётдан бевақт кўз юмдилар.

Ғалаба қозонилганидан бери салкам 50 йил вақт ўтганлигига қарамай, минглаб ватандошларимизнинг тақдирлари ҳанузгача номаълумлигича қолмоқда. Ота-оналар жанг майдонларида ҳалок бўлган жигарлари, аёллар умр йўлдошлари, фарзандлар оталари, наслари боболари тақдирларини аниқлаш нияти билан яшамоқдалар.

Қалб амри билан 1978 йилдан бери собиқ СССР Мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳридаги Марказий архивида изланиш олиб бормоқдаман. Ҳозиргача урушдан оиласи бағрига қайтмаган 34 мингга яқин ўзбекистонлик марҳум жангчилар тақдирларини аниқлашга муваффақ бўлдим.

Шу нарса изтироблики, марҳум жангчиларнинг салмоқли қисми ўз даврида бизга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган мамлакатларни босқинчилардан озод қилишда ҳалок бўлган. Собиқ СССР Мудофаа вазирлиги ҳарбий тарих институти маълумотларига кўра, Польшада 600 минг, Чехословакияда 140 минг, Венгрияда 140 минг, Германияда 102 минг, Руминияда 69 минг, Австрияда 26 минг, Югославияда 8 минг жангчининг умри хазон бўлган.

Бошларига уруш мусибати тушган ҳамюртларимиздан деярли ҳар куни мактуб оламан. Бу мактубларни ҳаяжонланмай, тўлқинланмай ўқиб бўлмайди. Қалб нидолари ўз ифодасини топган изтиробли мактубларнинг кети узилмаяпти. Мен ҳозиргача юртдошларимиздан, бошқа республикаларнинг қўшни вилоятларидан 12700 га яқин мактуб олдим. Имкони борича улар илтимос қилган жигарлари тақдирларини аниқлаб бермоқдаман.

«Мен отажонимни кўрмаганман. Отам фронтга жўнаётганларида 40 кунлик чақалоқ эканман. Ҳозир эса саккиз фарзанднинг онасиман. Ҳамиша отажонимни кутар эдик. Ҳа, менга ўхшаб жигаргўшаларини кутаётганлар сон-саноқсиз. Лаънати уруш менга ўхшаган минглаб мурғак қалбларни жароҳатлади. Шуларни ўйлар эканман: «Номинг ўчсин, уруш!» деб дод солгим келади.

Отам тақдири ҳақида тўлароқ маълумот берсангиз, бошим осмонга етарди. Мендек ота меҳрига ташна бўлган фарзанд сиздан бошқа нимани ҳам илтимос қилиши мумкин?» — деб изҳор қилибди ўз изтиробини Қумқўрғон туманида истиқомат қилувчи Санам Жўраева.

Олтиариқ туманининг Оқбуйра қишлоғида истиқомат қилувчи Муҳаммаджон Тухтаматовдан олинган мактуб ҳам кишини ларзага солади.

«Туманимиз газетасида урушдан қайтмаганлар тақдирлари ўз ифодасини топган мақолангиз босилиб чиқди. Унда тоғам — онамнинг яккаю-ягона укаси Холматжон Қаҳҳоровнинг ҳам номи тилга олинибди. Тоғам фронтга жўнаш олдида янги куёв бўлган экан. Бувим тоғамнинг куёвлик кийимларини сақлаб, ҳаётларининг сўнгги кунларида бу кийимларни онамга топширган экан. Онам умрларининг охиригача укалари ҳақида ҳеч қандай хабар билолмай, доғу ҳасратда оламдан ўтдилар. Укалари Холматжоннинг номини хотирлаб, дадамни Холматжон деб чақирардилар.

48 йилдан кейин бўлса ҳам, марҳум тоғам Холматжон Қаҳҳоров тақдирини аниқлаб берганлигингиз учун раҳмат!»

«Ҳеч ким, ҳеч нима унутилмайди» рубрикаси остида берилган мақолаларни қолдирмай ўқиб бораман, — деб бошлабди ўз мактубини Бекободдаги А. Икромов номли давлат хўжалигининг 3-бўлимида истиқомат қилувчи Умрзоқ Эркабоев. — Улардан урушдан қайтмаган отамнинг исм-фамилиясини қидираман...

1991 йил 18 январь куни ишдан қайтсам почтачи газеталарни олиб келган экан. Туман газетасида не кўз билан кўрайки, отам Эркабой Нишонов номини учратиб қолдим.

Шу лаҳзадаги менинг аҳволимни кўрсангиз эди».

Фарғона туманининг Ёрмозор қишлоғилик Қумрихон Пўлатова отаси тақдири аниқланганлигидан хурсанд бўлганлигини қуйидагича баён қилибди:

«Вилоятимиз газетаси саҳифасида ёритилган мақолангизни ўқидим-у ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Неча йиллар номаълум бўлиб, қаерда дафн этилганлигини билмай, ота меҳрига зор бўлиб юрганимда падари бузрукворим Зулфиқор Пўлатов қабри қаерда эканлигини маълум қилганлигингиз учун катта раҳмат!

Отам фронтга жўнаганда мен ўн яшар, укам Эргашжон икки яшар — эмизикли бола эди. Мақолани ўқиб, оиламиз билан тўлиб-тошиб йиғладик, дафн этилган жойи маълум эканлигидан жуда хурсанд бўлдик.

Энди отамиз қабрини зиёрат қилиб келиш ниятидамиз».

Қарши шаҳридаги Пахтаобод кўчасида истиқомат қилувчи Ибодат Йўлдошева, ўғиллари Бобомурод ва Тожилдин Нажимовлар ҳамда жияни Тўла Болтаевлар Нажим Авазов тақдири аниқланганлигидан хурсанд бўлганликларини баён этишибди:

«Яқинда оиламиз ҳаётида қувончли воқеа рўй берди. Вилоятимиз газетаси саҳифасида ёритилган «Изларингиз кўзимизга тутиё» сарлавҳали мақолангизда падари бузрукворимиз Нажим Авазов ҳақидаги хушхабарни ўқиб, чексиз хурсанд бўлдик. Ўша куни уйимизга қариндош-уруғлар, танишбилишлар келишди. Ҳаммамиз бир-биримизни қучоқлаб, хушхабар билан муборакбод этдик. Хурсандчилигимиз чексиз. Чунки отажонимиз фронтга жўнаганларидан кейин ҳеч қандай хабар келмаган эди. Ҳақиқатда излари кўзимизга тутиё эди. Шундай хабарни интиқлик билан кутмоқда эдик».

Наманган шаҳридаги Воровский кўчасида истиқомат қилувчи Содиқжон Турғунбоев ўз мактубида таъна-маломатдан қутилганлигини изҳор қилибди.

«Отам Турғунбой Маҳмудов тақдири туман газетасида эълон қилинганлигини қўни-қўшнилардан эшитдим. Газетани ўзим ўқий деб қўлимга олган эдим, унинг иложи бўлмади. Томоғимга бир нарса тиқилгандек бўлиб, кўзимдан ёш аримади.

Илгари бедарак йўқолган деб хабар келганлигидан шу вақтгача отам Ватан учун халок бўлган деб айтолмасдим. Айрим кишилар буни таъна ҳам қилишарди. Энди отам Ватанни ҳимоя қилишда ҳалок бўлган деб айтишга ҳақлиман».

МАКТУБЛАР... Қалбларни ўртовчи, мангу учмас изтироблар ўз ифодасини топган мактублар... Улар сонсаноқсиз. Шундай экан, изланиш давом этади.

Мажид САМАДОВ.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Янги номлар

АСКАР ЧЕҲРАСИ

Ҳикоя

НАВРУЗ байрами ҳам ёғинсочин билан нишонлангана бўлса-да, қовоғи солиқ ҳавонинг чеҳраси ҳеч ёришмас эди. Қуёш ялт этиб, кузга ташланади-да, яна булутлар қаърига шўнғиб кетади.

Баҳорнинг серёғин келиши деҳқонларни ранжитса, балиқчини қувонтирди. Бироқ феъли кенг, доно табиат ўз ҳукмини одилона ўтказарди. Уч кун ёмғир ёғдирса ҳам, шунга яраша сувни пар ёстиқ қилиб олишини унутмас эди.

Ана шундай кунларнинг бирида, тушликдан сўнг капитан Раҳимовнинг ротаси машғулот хонасида йиғилиш ўтказди.

Басавлат, бармоқлари ўқловдек келадиган капитан таълим-тарбия ишларининг бориши ҳақида гапирди. Сержант Қодировнинг бўлинмаси ўтган ва бу ойда етакчиликни қўлдан бермай келаяпти. Бу, албатта, яхши. Аммо у билан елкама-елка хизмат қилаётган кичик сержант Тўраевнинг бўлинмаси... Оддий аскар Абзалов билан Ботировлар рухсатсиз икки соатга қисмни тарк этган. Агар шу тартиббузарлик бўлмаганда эди...

Капитан қулоғигача қизариб ўтирган икки аскарга қаради.

«Қачонгача таъна қилишади, а?..» — ўйга толди Тураев. Рост, шундай бўлган. Аммо кейин интизомсизликка йўл қўйилмадику. Юксак ҳарбий интизом учун бўлинманинг ҳар бир аскари бутун куч-қувватини ишга солмоқда. Наҳотки командир бу икки аскарнинг хизмати тугагунча кўз очирмаса?

Йиғилиш ниҳоясида рота командири капитан Раҳимов қишки ўқув мавсуми тугашига бир ой қолганини ва бу ўта масъулиятли давр. эканлигини таъкидлаб қилинадиган ишлар ҳақида маълумот берди. Шундан кейин рота тарқалди.

Бўлинмага бириктирилган автомобиллар олдига етгач, Тураев:

— Йигитлар, — деди, — ўзларингиздан қолар гап йўқ. Бошимиз таънадан чиқмай қолди. Хўш, ҳозир қандай йўл тутишимиз керак?

— Ҳаракат қилишнинг фойдаси йўқ, — деди кимдир.

— Командир назарида бизни бўлинма ёмон, тамом-вассалом, — деди Ботиров норози кайфиятда.

— Йўқ, дўстим. Сиз ноҳақсиз, — деди Тураев қатъий оҳангда.

— Нега?

— Негаки, командиримиз тадбиркор. У «ўтган кунни унутма», тариқасида иш юритади. Шунга ўхшаш ҳодиса яна рўй бермасин деган ниятда гапирди. Шу сабаб, оғайнилар, бу ой ҳақиқатан ҳам бизнинг бўлинма учун масъулиятли. Келинглар, шундай иш қилайликки, биргина командир эмас, эшитган ҳар бир киши «балли азаматлар!» десин.

Бу гап барчага маъқул бўлди.

АСКАРЛАР астойдил ишга киришишди. Уларнинг интилишини кўриб ҳатто командирнинг ҳам ғайрати жўш уриб кетар ва бошқа ишларни унутиб, бўлинмага боғланиб қолаётганини ўзи ҳам сезмасди.

Баъзида у: — Балли, азаматлар, юрақдан қилаётган меҳнатингиз билан мақсадга етасиз. Техникани фақат курикка тайёрлаяпмиз, деб ўйламанглар. Шу билан бирга уни ёзги мавсумга ҳам шайлаяпсизлар, — дер эди.

* * *

Тураев бўлинмаси қурик синовлардан муваффақиятли ўтди. Қурик комиссияси қилинган ишларга батафсил тўхталиб, у бош бўлган аскарларни астойдил олқишлади.

Булутлар орасидан чиққан қуёш оламни ёритиб юборганидай Тураевнинг кунглидан тотли бир ҳис кечди. Равшанлик тўғилди. У жангдан ғолиб чиққан каби роҳатланиб ўтирган аскарларига хиёл энгашиб қаради. Уларнинг чеҳрасидан нур ёғилариб турар эди.

Зафар ҲУРРАМ.

КЕЛГУСИ СОНДА:

• Елкадаги тегирмон тоши
• Беҳбудий яшаган кўча

Газета саҳифаланаётган

«ТОЗАЛАШ» ОПЕРАЦИЯСИ

Наманган вилояти ички ишлар ходимлари ўтказаётган «Тозалаш» операциясининг навбатдаги босқичи ниҳоясига етди.

Ўн кун мобайнида илгари очилмай қолган 29 жиноят фош этилди, илгари судланган, ҳозир қидирувда бўлган ўн битта жиноятчи ушланди.

«Тозалаш» операцияси давомида фақат жиноятни очиш билангина шуғулланилгани йўқ. Вилоят ички ишлар органлари ходимлари аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришди, илгари жиноий жавобгарликка тортилганлар, наркологик диспансер ҳисобида турганлар, шунингдек тарбияси қийин ўсмирлар билан юзлаб суҳбатлар ўтказишди.

Операцияда Давлат Автомобил Назорати ходимлари ҳам иштирок этишди. Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмагани учун 1200 ҳайдовчига жарима солинди. Улардан 124 киши сархуш ҳолда машина бошқараётганида қўлга тушди.

Вилоят ички ишлар Бошқармаси матбуот марказининг хабарига қараганда, «Тозалаш» операциясининг бу босқичи муваффақиятли якунланди. Ҳозир навбатдаги босқичга таёргарлик кўрилмоқда.

Н. ХЎЖАЕВА,
ЎзА мухбири.

Нуқтаи назар

СОЧ — БЕЛНИНГ ЭГАСИ

УЗУН СОЧЛАР ҳақида ёзмоқчи бўлаяпман-у, негадир хурсиниб кетаяпман. Кўзларим намланди. Бундай кезлар танҳо хаёл суришни хуш кўраман.

Болалигимдан халқ эртаклари, достонлари жони-дилим эди. Қаҳрамон, қўрқмас ботирларга хаёлан эргашиб,туғрилик ва ҳалолликкa зимдан ҳавас қилардим.Мисқол парилар, Юнус парилар, Зулхумор парилар борлигига шубҳа қилмаганман. Усмирлик чоғларимда бир оромсиз туйғуни ҳис қила бошладим. Эртаклардаги юзига етти қават парда ташлаб ўтирадган маликаларга, майда қилиб урилган қирқ кокили тақимини упадиган ақли расо қизларга меҳрим ошди. Қишлоғимизнинг сочи узун, гўзал қизларини уларга қиёс қилардим.

Қишлоқ аёлларининг, айниқса, кекса аёлларнинг соч ювиши қизиқ эди. Эҳ, у одатлар, эслайверсанг селобга айланасан. Ёдимда, бувим учоққа сув ситаётиб мени огоҳлантириб қўярди:

— Ўйинга овора бўлиб тағин узоқроқ кетиб қолмагин, болам.

— Хўп, — дердим-у, бироз ўйнаб ҳузурларига келардим.

— Бор ўғлим, Хуррам бувингни чақириб кел! — қалин рўмол билан бошига чамбарак қилиб уралган сочини танғиб олган бувимнинг шу кунги руҳияти кутаринкироқ бўларди:

— Бувим бош ювдилар, сочларини уриб қўяркансиз, дегин.

Бориб айтардим. Хуррам бувим ҳам куттирмай келарди.Унгача бувим чой дамларди.Чойнак олдида иккита пиёла, тақсимчада тўрт дона мулойим ширинликми, бир ҳовуч майизми бўларди. Соч уриш баҳона икки қария жуда илиқ кўришарди.Кузатиб турардим, Хуррам бувибувимнинг сочларини аввал эринмай ёярди. Ҳар бир толасини ўз йўлига тўғрилаб олгач, эмин-эркин ўтириб оларди. Бир чеккадан жиндек-жиндек қисмларга ажратиб аввал чўп тароқ билан обдон тарар, сўнг маълум бир тенг қисмчасини уч бўлиб бармоқлари билан худди гилам тўқиётган аёллардек уриб келаверарди. Хуррам бувининг узун-узун бармоқлари бир маромда нафис ҳаракатланарди. Ҳаракатдан билакларидаги кўк томирлар бўртиб чиқарди. Бирор қаричча уриб борилгач, ипак жамалакни қўшиб охиригача ўрилларди. Жамалаклар Хуррам бувининг тиззаси устида тайёр турарди.Баъзан онам «Хуррам бувини овора қилманг, ўзим уриб қўяман», дерди бувимга.

Бувим кескин рад қиларди. «Хуррам дугонам мустаҳкам қилиб ўради. Сени урганинг икки кунда титилиб кетади-да. Ҳар икки кунда бош ювишга менда ҳафсала қани, болам». Онам «ўзингиз биласиз» дегандек, елка қисарди. Баъзан «Хуррам бувининг тоби қочганмиш», дердилар. Эшитиб, бир ботмон қайғу босарди бувимни. «Худо шифо берсин» дердилар қуюниб. Ювилган сочи бошида қалин рўмол билан ураган бувим шунда ҳам онамга ёки ёш келинчакларга соч урдирмасдан менга юзланарди:

— Бўлмаса, бориб Салом бувингни айтиб келгин.

Мен Салом бувини чақириб келардим. Уларнинг гапи бирбирига қонундек эди. Ҳар қандай зарур ишлари бўлса ҳам ташлаб келишарди. Бир-бирларини кўриб тағин чеҳралари очилиб кетарди. Соч ураётган Салом бувидан бувим секингина сўрарди.

— Хуррам дугонамнинг тоби қочганмишми?

— Ҳа, шамоллабдилар. Кеча ҳавонинг салқинида бош ювганлар. Сочларини ўришга утганимда иситмалари бор эди. Сочнинг нами бошларидан ўтиб кетган. Кексаликда куп сочнинг сариштаси оғирлик қилади-да. Узиям нақд қирқ ўрим бўлди. Ҳалиям беллари билан битта сочлари бор.

— Соч — белнинг эгаси, дугона, — дейди бувим донолик билан. Салом бувининг кийимини киядиган эркакни ва эркакларнинг кийимини киядиган аёлни лаънатласин» — деган ҳадиси шарифдан бехабар бўлишса?! Аёл ўз жинсини, эркак ўз жинсини ташқи кўриниши билан инкор этмаслиги керак.

Аммо айрим қизлар кўчакўйда юзларига ҳаддан зиёда зеб бериб, қалта, енгсиз кийиниб, ўтган кетганни ўзларига қаратадилар. Кўчаларда, хиёбонларда ва ҳатто жамоат транспортларда ҳам ҳаммаларнинг кўз ўнгида бемалол, худди шундай бўлиши керакдай қучоқлашиб, ўпишиб туришлари одатий ҳолга айланиб бормоқда. Ачинарлиси шундаки, баъзи одобсиз қизлар очиқдан-очиқ йигитларга гап тақилайдилар, оғизларидан шундай сўзлар чиқадики, бу ҳолни кузатган кишини «кошки эди кўрмасам, эшитмасам» деган ички бир дард тирнаб ўтади. Ахир нега баъзи қизлар бунчалик енгилтак бўлиб кетяптилар? Менимча, тўқликдан чиққан шўхлик бу. Зеро, ҳар бир ота, ҳар бир ака, ҳар бир эр киши ўз хотини, ўз опаси, ўз синглиси учун жавобгардир. Унинг юриш-туриши, ахлоқ-одобини назорат қилиши ҳаётий мажбуриятдир. Шундагина биз аёлларимизнинг муъмина-солиҳа, Бибихоним, Нодирабегим, Зебунисобегим сингари буюк шарқ аёлларининг авлоди эканлиги билан фахрланишга ҳақли бўламиз.

ҲИКМАТУЛЛОҲ.

Дўстлик ва ҳамкорлик

Дўстлик ва ҳамкорлик ҳаракатлари ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида ривожланмоқда. Ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида дўстлик ва ҳамкорлик ҳаракатлари